Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 10 июнь, шанба • № 46 (10.722) • Эркин нархда сотилади

БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

8 июнь, Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Ғулом Мирзо хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Литвага сафарининг иккинчи куни мамлакатдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашди. Ислом Каримов Болтиқбўйи мамлакати ишбилармонларига Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, хорижий шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўзлади. Уларни ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда ҳисса қўшишга даъват этди. Литвалик тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Республикамиз Президенти Вильнюс шаҳридаги «Аудеяс» Гобилен ишлаб чиқариш фабрикасида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Республикаси Сейми раиси Чесловас Юршенас билан учрашди. Мулоқот ниҳоясида Ислом Каримов фахрий меҳмонлар китобига эзгу тилаклар билдирилган дастхат қолдирди.

Ташриф ниҳоясида Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Сарой майдонида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Литва мадҳиялари янгради.

Президент Ислом Каримов шу куни Вильнюсдан Тошкентга жўнаб кетди. Вильнюс халқаро аэропортида республикамиз Президентини Литва Бош вазири А. Шлежявичюс, ташқи ишлар вазири П. Гилис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

***

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вильнюсдан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ВА «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси «Меҳнат шуҳрати» ва «Шон-шараф» орденларининг эскизларини, уларнинг тавсифини, шунингдек бу мукофотлар тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини маъқуллади ҳамда уларни халқ муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилди.

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган меҳнатдаги улкан ютуқлар учун мукофотлаш таклиф этилмоқда.

Орден эскизи миллий рамзий белгилар билан бойитилган. Орденнинг юқори қисмида ҳилпираб турган Ўзбекистон давлат байроғи тасвири акс этган. Орденнинг марказида республика аҳолисига ва пойтахтимизнинг кўп сонли чет эллик меҳмонларига яхши таниш бўлган Тошкентдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройининг олд кўриниши тасвирланган. Орденнинг эскизида ўчилган пахта чаноқлари миллий бойлигимиз рамзи, тишли ғилдиракча эса республика саноати рамзидир.

«Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлик учун, мудофаа қудратини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар. Таклиф этилаётган вариантда орден икки даражали бўлади.

Орден эскизининг марказида қаҳрамонлик ва шонш-шавкатни, фидойиликни ва мардликни ифодаловчи қалқон ҳамда қиличлар тасвирланган. Орденнинг юқори қисмида симметрик тарзда давлат байроғи рангларидаги ёйилиб турган мато (лента) жойлашган.

Қуйида янги орденларнинг эскизлари, уларнинг тавсифлари ва улар тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини эълон қилмоқдамиз. Таклиф ва мулоҳазалар уларни узилкесил такомилига етказиш ҳамда ушбу давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлашда қараб чиқилади.

Таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз:

700008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси.

Телефонлар: 398-722, 398-729.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Меҳнат шуҳрати» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси маъқуллансин.

2. «Меҳнат шуҳрати» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин.

3. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси муҳокама давомида тушган таклифлар ва мулоҳазаларни қараб чиқсин, «Меҳнат шуҳрати» орденининг эскизини, тавсифини ва орден ҳақидаги Низом лойиҳасини такомилига етказсин ҳамда Олий Мажлиснинг муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

Лойиҳа

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун мукофотланадилар.

Мустасно ҳолларда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Меҳнат шуҳрати» орденини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, шунга вакил қилинган бошқа шахслар топширади.

5. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Меҳнат шуҳрати» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

Лойиҳа

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ



«Меҳнат шуҳрати» ордени 0,5 микрон қалинликда никель ва 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланади.

Орден марказ қисмидан нурлар таралиб турган яшил дафна новдалари билан ўралган бўртма нотўғри эллипс шаклидадир.

Орденнинг юқори қисмида ҳилпираб турган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган. Орденнинг бўйи — 46 миллиметр, эни — 41 миллиметр.

Орденнинг марказида, диаметри 16 миллиметрли кумуш ранг доира ичида, куёш фонида кумуш рангда Тошкент шаҳридаги Халқлар Дўстлиги саройи тасвирланган. Доира оқ эмаль билан қопланган пахта чаноқлари ва диаметри 29 миллиметрли тишли ғилдиракча билан ҳошияланган. Пастда кумуш ранг ҳошияли қизил ёқут рангдаги фонда «MEHNAT SHUHRATI» деган кумуш ранг ёзув бор. Ҳарфларнинг бўйи 2 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталикдаги шрифтда орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га халқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Сариқ йўлнинг эни 3 миллиметр, қизил йўлнинг эни 8,8 миллиметр, ҳаво ранг йўлнинг эни 4,8 миллиметр, яшил йўлнинг эни 4 миллиметр, четдаги сариқ йўлнинг эни 3,2 миллиметр. Ҳаво ранг ва яшил йўллар бири-биридан эни 0,2 миллиметрли оқ йўл билан ажратилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Шон-шараф» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси маъқуллансин.

2. «Шон-шараф» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин.

3. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси муҳокама давомида тушган таклифлар ва мулоҳазаларни қараб чиқсин, «Шон-шараф» орденининг эскизини, тавсифини ва орден ҳақидаги Низом лойиҳасини такомилига етказсин ҳамда Олий Мажлиснинг муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

Лойиҳа

«ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлик учун, Ўзбекистонда мудофаа қудратини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар.

Мустасно ҳолларда «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Шон-шараф» ордени икки даражадан иборат бўлади:

I даражали «Шон-шараф» ордени,

II даражали «Шон-шараф» ордени.

Орденнинг олий даражаси I даражадир. Мукофотлаш, қоида тарикасида, камида уч йил оралатиб: II даражали ва I даражали навбатида амалга оширилади.

3. «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

4. «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

5. «Шон-шараф» ордени ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими, шунга вакил қилинган бошқа шахслар топширади.

6. II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг йигирма карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

I даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг кирқ карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

II даражали ёки II ва I даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган шасхлар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

7. «Шон-шараф» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

8. «Шон-шараф» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

Лойиҳа

I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

I даражали «Шон-шараф» ордени 0,5 микрон қалинликда никель ва 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг асоси хиёл бўртма шаклдаги саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, унинг марказидан учи тугал нурлар таралиб туради. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учлари ораси 48 миллиметр.

Орденнинг марказида зумрад ранг эмаль қопланган кумуш ҳошияли қалқон ва орден асосининг рангидаги қиличлар тасвирланган. Қалқоннинг бўйи 20 миллиметр, эни 18 миллиметр. Қалқон ўртасида кумуш рангли ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз айлана диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган. Қалқоннинг пастида баландлиги 3 миллиметрли кумуш ранг «I» рақами бор. Қалқон орден асосининг рангидаги тол шохлари билан ҳошияланган.

Орденнинг чап ва ўнг қисмларида симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларидаги ёйилиб турган мато жойлашган. Орденнинг қуйи қисмида қалқон тагида тўқ қизил ранг фонда кумуш ранг «SHON-SHARAF» деган ёзув ва ҳошия бор. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталикдаги шрифт билан орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг ўртасидан эни 5 миллиметрли оч яшил рангли йўл, кейин эса эни 1,5 миллиметрли иккита оқ, эни 4 миллиметрли иккита қизил ва эни 3 миллиметрли иккита ҳаво ранг йўллар ўтган. Матонинг четларига эни 1 миллиметрли қизил ҳошия чиқарилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.

Лойиҳа

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

II даражали «Шон-шараф» ордени кумуш қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг асоси хиёл бўртма шаклдаги саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, унинг марказидан учи тугал нурлар таралиб туради. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учлари ораси 48 миллиметр.

Орденнинг марказида зумрад ранг эмаль қопланган зарҳал ҳошияли қалқон ва орден асосининг рангидаги қиличлар тасвирланган. Қалқоннинг бўйи 20 миллиметр, эни 18 миллиметр. Қалқон ўртасида зарҳал рангли ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз айлана диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган. Қалқоннинг пастида баландлиги 3 миллиметрли зарҳал ранг «II» рақами бор. Қалқон орден асосининг рангидаги тол шохлари билан ҳошияланган.

Орденнинг чап ва ўнг қисмларида симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларидаги ёйилиб турган мато жойлашган. Орденнинг қуйи қисмида қалқон тагида тўқ қизил ранг фонда зарҳал ранг «SHON-SARAF» деган ёзув ва ҳошия бор. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталикдаги шрифт билан орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг ўртасидан бири-биридан эни 1 миллиметрли оқ йўл билан ажралиб турадиган эни 2 миллиметрли иккита оч яшил рангли йўл ўтган. Кейин эса икки томондан эни 1,5 миллиметрли иккита оқ, эни 4 миллиметрли иккита қизил ва эни 3 миллиметрли иккита ҳаво ранг йўллар ўтган. Матонинг четларига эни 1 миллиметрли қизил ҳошия чиқарилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҲУСАНХЎЖАЕВ САИД АҲМАДНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, республикада яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 июнь.

Сўнгги соатда

ВИЛОЯТ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Режа бажарилди. Эл хирмонига 1153 тонна пилла топширилди. Давлат қабул пунктларига яна камида 100 тонна «кумуш тола» етказиб берилади.

ТОШКЕНТ вилояти пиллакорлари кўзланган маррани эгалладилар. Жами 1153 тонна пилла тайёрланиб, шартномада белгиланган режа 104,6 фоизга бажарилди.

Бу йил вилоятимиз бўйича 22.903 қути қурт уруғи тарқатилди. Пиллакорларга кўрсатилган ҳар томонлама моддий-ижтимоий ёрдам, жойларда яратиб берилган зарур шарт-шароитлар, меҳнат мусобақаси ва муносиб рағбат «кумуш тола» миришкорларини янада унумли ва самаралироқ меҳнат қилишга ундади. Жойларда етиштирилган пилла ҳосилини топшириш ва қабул қилишга алоҳида эътибор берилди.

Вилоят пиллакорлари ғалабасига маррага биринчилардан бўлиб етиб келган ва давлатга шартномада белгиланган режага нисбатан 19,3 тонна кўп пилла топширган Оққўрғон, 15 тонна кўп пилла етказиб берган Бекобод, 2,4 тонна кўп пилла тортиқ қилган Янгийўл, режани 1,6—1,7 тоннага ошириб адо этган Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ ва Ўртачирчиқ туманларининг меҳнаткашлари муносиб улуш қўшдилар. Пиллачилик билан шуғулланувчи 15 тумандан 9 таси ўз режа кўрсаткичларини бажарди. Ҳозирча вилоят бўйича ҳар қути уруғдан ўртача 50килограммдан ортиқ ҳосил олинди. Оққўрғонлик пиллакорлар ҳосилдорликда анча юқори кўрсаткичга эришдилар. Туманда ҳар қути қурт уруғидан ўртача 55 килограммдан ошириб пилла териб олинди.

Пилла хирмони баракасига йиллик режаларини 105—134 фоизга бажарган Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон», Бекобод туманидаги Навоий номли, Қуйичирчиқ туманидаги Улуғбек номли, Пискент туманидаги Навоий номли, Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси, Чиноз туманидаги «Гулзоробод», Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон», Янгийўл туманидаги «Тинчлик» сингари кўплаб хўжаликлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шу ўринда мавсумда хирмонга 80—110 килограммдан ошириб ҳосил топширган тажрибали, пешқадам пиллакорларимиз номини ҳурмат билан тилга олиш жоиз. Оққўрғон туманидан Меҳри Ойқўзиева, Бекободдан Ҳурматой Йўляхшиева, Бўкадан Ҳавохон Ёқубова, Қуйичирчиқдан Шахзода Саидова, Пискентдан Янглиш Ҳамдамова, Ўртачирчиқдан Малика Анорбоева, Чиноздан Сарвар Назирова, Янгийўлдан Муҳаббат Саримсоқова ва бошқалар меҳнат мусобақасида етакчилик қилдилар.

Вилоятимизнинг Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент, Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида ҳам давлатга пилла топшириш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларида пилла топшириш режаси яқин кунларда бажарилади.

Вилоят хўжаликларида давлатга пилла топшириш қизғин давом этмоқда. Имкониятлардан келиб чиқиб, пиллакорлар яна камида 100 тонна «кумуш тола» етказиб берадилар.

БЎКА тумани бош пиллахонасининг бошлиғи Матмуса Бўсинов «Бўстон» жамоа хўжалигининг илғор пиллакори Манзура Холова билан ҳосил сифатини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳосил - 95

Ғалла мустақиллиги учун

ДОЛЗАРБ ПАЛЛА

БЕКОБОД тумани хўжаликларида бугунги кунгача 500 гектардан ортиқ майдондаги ғалла ўриб-янчиб олинди. Ғаллазорларда 70 дан зиёд комбайн ишламоқда. Ҳадемай, қўл ўримида қатнашаётганлар сони 3 минг 150 кишига етади. Улар кучи билан 2700 гектар майдондаги ғалла ўриб олинади. Ғалласи йиғиштириб олинган майдонларга экилган чигит униб чиқди.

ТУМАНДА меҳнатни ташкил этишнинг пудрат, ижара, жамоа ва фермерлик сингари янгича турларига изчил ўтилгани яхши самаралар бермоқда. Ҳозирги кунда фақат фермер-деҳқон хўжаликларининг сони 137 тадан ошиб кетгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Яна бир диққатга сазовор томони шуки, фермерларнинг аксарияти ғалла етиштириш билан шуғулланишаяпти.

«Навбаҳор»лик Шербўта Болтабоев ана шундай ғаллакор фермерларнинг бири. 45 гектар майдондаги буғдойига бугун-эрта ўроқ тушади. Салмоқдор ва дони тўқ «олтин бошоқлар» хирмон баракасидан далолат бериб турипти. Мўлжал — гектар бошига 45-50 центнердан сара дон олиш.

Барча техника фермернинг ўзиники. Битта комбайн, битта «ГАЗ-66» машинаси, 4 та тележка, битта транспорт трактори билан ўз ғалласини ўзи бир неча кун ичида тўла йиғиштириб олмоқчи. Ҳосилдан бўшаган майдонларга пешма-пеш такрорий экинлар экишни режалаштирган. 2 та занжирли трактори ер шудгорлашга тўла шайлаб қўйилган. Етарли уруғлик ҳам ғамлаб қўйган...

«Деҳқонобод»лик донгдор пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Адолат опа Рўзматова бригадаси даласидамиз.

— Далани иккига бўлиб оқаётган мана бу катта ариқнинг ўнг томони куни-кеча ўн гектарлик буғдойзор эди, — дейди Адолат опа меҳнат фахрийларига хос ички бир мамнуният билан, — Икки кунда ўриб олиб, ўрнига зудлик билан «Юлдуз» нав пахта экдик. Мана. ўзларингиз кўриб турибсизлар, чигит бир текис униб чиқиб, яшил ниҳоллар бўй кўрсатиб қолди. Камида 20 центнердан пахта беради...

Биз қониб сув ичаётган янги пахта майдонларига боқиб, деҳқоннинг тадбиркорлигига тан бердик. Май охирларида вилоят ғаллакорларининг семинар-кенгаши ҳам айнан шу ерда ўтказилгани бежиз эмас экан. Ҳа, бу йил вилоятда ғалла ўримиға ва ҳосилдан бўшаган ерларга такрорий экинлар экишга катта эътибор берилмоқда. Бу хайрли ишни биринчи бўлиб бекободликлар бошлаб беришди.

— Тадбиркорлик билан иш юритган деҳқон ҳеч қачон кам бўлмаган, — дейди «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг бош ҳосилоти Хидирали Оллоназаров. — Бизнинг шароитимизда экинлардан бир неча марта ҳосил олиш мумкин. Афсус, бунга узоқ вақтлар ихлос қўйилмади. Бу йил ана шу йўқотишни ҳисобга олдик. Ғалла ўримини қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмай ўтказиб, ҳосилдан бўшаган ерларга анча барвақт такрорий экинлар экиб олишни қатъий режалаштириб қўйдик. Ана шу режа асосида ҳозиргача ғалладан бўшаган 70 гектар майдонга чигит экилди. Такроран жами 100 гектар ерга пахта, 150 гектарга силос учун маккажўхори, 15 гектарга картошка, 10 гектарга мош ва бошқа сабзавот экинлари экамиз.

Миришкорларнинг ниятлари холис. Хўжалик ғаллазорларида бугун 5 та комбайн юқори унум билан ишлаб турибди. Мавсумда 150 гектар майдондаги ғаллани ўриб бериш ташаббуси билан чиққан механизаторлар Муҳаммаджон Содиқов, Абдулла Муҳсинжонов ва Муҳаммадали Сидиқалиевлар кунда ўз комбайнлари билан 4-5 гектар майдондаги ғаллани ўриб бермоқдалар.

Аммо 900-гектар майдондаги ғаллани ҳозир хўжаликда мавжуд бўлган техника воситалари билан ўриб олиш анча мураккаб. Шу боис бу муаммони ҳал этишнинг қўшимча табдирлари ишлаб чиқилди. Жумладан, бугун-эрта қўшни Тожикистон ва Қирғизистондан 5 та комбайн ёрдамга келади.

Шунингдек хўжаликда барча ишчи кучлари — мавжуд 350 та оилавий пудрат жамоаларининг аъзолари ҳам ёппасига ўримга жалб қилинган. Ишлаб чиқаришни муваффақиятли юритишда жуда қўл келаётган меҳнатнинг оилавий пудрат усули ўрим-йиғимда ҳам асқотяпти. Бугунги кунда 2 мингдан ортиқ одам далада. Ҳар қайси оилавий пудрат жамоасига шартнома бўйича 1-16 гектаргача ғалла майдони биркитиб қўйилган. Ҳозирдаёқ ғолиблар номини кўрсатиш мумкин. Анвар Раҳмонов бошлиқ оилавий пудрат жамоаси 10 гектар, Абдураим Каримов оиласи 16 гектар ва Абдуқаҳҳор Турдиқулов оиласи аъзолари 8 гектар ердаги ғаллани ўриб бериб, биринчилардан бўлиб режаларини барвақт бажаришди. Гектар бошига 45-48 центнердан ҳосил олинди.

«Деҳқонобод» жамоа хўжалиги ғаллакорлари мавсумда жами 2,5 минг тонналик хирмон уйиш ва давлатга 1340 тонна дон сотиш учун курашмоқдалар. Ўрим-йиғим узоғи билан 20-25 июнда тугалланади. Ана шу мақсадда рағбат, меҳнат мусобақасини уюшқоқлик билан ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб борилмоқда. Ғолиб комбайнчиларга биринчи ўрин учун — 300 сўм, иккинчи ўрин учун — 200 сўм, учинчи ўрин учун — 100 сўм пул мукофоти белгиланган.

Булардан ташқари комбайнчиларга ўриб берган ҳар гектар ғалласи учун 25 сўмдан маош, ҳар тонна ғалла учун 10 килограммдан дон берилади. Агар у 150 гектар ердаги ғаллани ўриб берса, бу маошдан ташқари 5-6 тонна дон ёки 10 минг сўмдан зиёд нақд пул демакдир. Қўл ўримида қатнашаётганлар меҳнатини рағбатлантириш ҳам ана шу тарзда йўлга қўйилган. Режадан ортиқча олинган дон маҳсулотининг ҳаммаси оилавий пудрат жамоалари, хўжаликнинг ўзида қолади.

Хўжалик бу йил ғалламиликнинг ўзидан 5 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпти. Бу маблағ кўрсаткичининг қўлга киришига сира шубҳа йўқ. Чунки унинг замирида шижоатли меҳнат ва аниқ ҳисоб-китоблар ётипти.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



«ДЕҲҚОНОБОД» ғаллазорларида. Бош ҳосилот Хидирали Оллоназаров ва бригадир Абдиқул Турдиқуловлар ҳосил баракасидан мамнунлар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят ҳокимлигида

ВЕКСЕЛЬ: ҲИСОБ-КИТОБЛАР ЖАДАЛЛАШАДИ

Вилоятда яқинда бўлиб ўтган семинар-кенгашда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди.

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш даврида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳисоб-китоб ишларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш бўйича бир-бири билан иқтисодий боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ўртасида ўзаро тўлов интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг молиявий жавобгарлигини ошириш муҳим тамойиллардан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу ишларни давр талаби даражасига кўтариш, самарадорлигини ошириш мақсадида тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг иккинчи июнидаги «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарори шуларнинг бири бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ тўлов муддати кечиктирилган қарз мажбурияти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб воситаси сифатида вексел хўжалик оборотига жорий қилинади. Бу бизнинг республикамиз учун янгиликдир. Шундай экан аввало векселларни жорий қилишдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат эканлигини, уни белгиланган тартибда тўғри қўллаш учун нималарга эътибор бериш зарурлигини аниқ ва равшан тушуниб олиш керак.

Республика Марказий Банки бу қарорни бажариш борасида махсус фармойиш қабул қилиб, Ўзбекистонда турли давлат ва тижорат банкларининг етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузди. Куни кеча вилоят ҳокимлигида семинар-кенгаш уюштирилиб, унда Тошкент вилоятига биркитилган гуруҳ аъзолари шаҳарлар ва туманлардаги турли банклар раҳбарлари, бош ҳисобчилари, векселларни жорий қилиш ва қўлланиш билан шуғулланувчи қатор корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар мутахассислари билан учрашдилар.

Семинар-кенгашни Тошкент вилояти ҳокимининг муовини А.Раҳимбоев қисқача кириш сўзи билан очди. Унда сўзга чиққан Марказий банкнинг вилоят бўлими бошлиғи Н. Солиев, «Ўзсаноатқурилишбанки» вилоят бўлимининг бошлиғи С.Юсупов ва бошқа қатор банкларнинг вакиллари векселларни жорий қилишнинг тартиб-қоидалари ҳақида батафсил гапирдилар, ўзаро тўловлар ва ҳисоб-китобларда пул ўрнида векселдан фойдаланиш албатта наф беражаклигини алоҳида қайд қилдилар. Энг муҳими, ҳамма жойда бу ишга пухта ҳозирлик кўриш, шошма-шошарликка, камчилик ва нуқсонларга асло йўл қўймаслик, иқтисодиётимиз учун янгилик бўлган векселларнинг обрўсига путур етказадиган ҳатти-ҳаракатларга асло йўл қўйиш мумкин эмаслигини таъкидладилар.

Семинар-кенгаш жонли мулоқот шаклида ўтди.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Семинар-кенгашда вилоят шаҳарлари ва туманларида республика Вазирлар Маҳкамасининг бу муҳим қарорини кенг тушунтириш, тарғибот қилиш ишларини зудлик билан уюштириш, ҳар бир корхона, ташкилот ва хўжаликнинг кредит ва дебитор қарзларини ўрганиш зарурлиги айтилди. Векселларнинг самарали ишлаши дебитор қарздорлик билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳаммасини бўлмаса ҳам кўпчилик қисмини ҳал қилаолиши билан катта аҳамиятга эгадир. У ишлаб чиқариш бўйича бутун бир занжирга уланган беш-олтита корхона-ташкилот ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни кескин енгиллаштиради. Шунинг учун уни муомалага оқилона киритишга эришиш зарурлиги алоҳида қайд қилинди.

БУ — ҲАММАНИНГ ВАЗИФАСИ

ВИЛОЯТДА жиноятчиликнинг аҳволи қандай? Уни камайтириш ва олдини олиш учун нималар қилмоқ лозим? Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва прокуратура ходимларининг кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгашида ана шу муҳим масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар бошқармаси ва бўлимлари, меҳнат биржалари, маҳалла жамғармаси бўлимларининг раҳбарлари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари қатнашдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев очди ва бошқариб борди. Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У. З. Иномжонов, ИИБ бошлиғининг ўринбосари Б. Ҳ. Ҳакимов, вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Н. Головин, вилоят бош норкологи О. С. Мустафин, халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. А. Тожиев, Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Н. Ғ. Жабборова вилоятда жиноятчиликнинг аҳволи ҳамда унинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳақида батафсил сўзладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. М. Мирёқубов иштирок этди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклатилди.

ҒОЛИБЛАР «ТУРКИСТОН»ДА АНИҚЛАНДИ

ТОШКЕНТНИНГ ҳашаматли «Туркистон» саройида «Ҳамшира-95» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда пойтахт туманларида кўрикдан ўтган 11 нафар ҳамширалар ўзаро мусобақалашдилар.

Танлов иштирокчилари дил табриги, касбга доир топшириқлар, зукколик, ҳозиржавоблик каби шартлар бўйича баҳслашдилар. Қизғин беллашувлардан сўнг ҳайъат аъзоларининг қарорига кўра Мирзо Улуғбек туманидан «Она ва бола» жумҳурият марказий шифохонасининг кардиология бўлими ҳамшираси Сабоҳат Абдуллаева ғолиб деб топилди. II ўринни Шайхонтоҳур туманидан Замира Ҳидоятова ва III ўринни Яккасарой туманидан Музайянахон Ниғматовалар қўлга киритдилар.

Танлов иштирокчиларини Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи М.Зиёева фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади. Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитаси номидан Р.Абдуқодиров ғолибага «Семурғ» телевизори ва ҳар бир иштирокчига эсдалик совғалари топширди. Шунингдек, туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиқлари, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, «Миконд» заводи, Чкалов номидаги Тошкент авиасозлик ҳамда «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмалари ходимлари ва бошқалар танлов иштирокчиларига ўзларининг совғаларини тақдим этдилар.

Шу куни Ўзбекистон ва Қозоғистон халқ артисти Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Ялла» дастаси ўзининг қизиқарли концерт дастури билан барчага хушкайфият бағишлади.

Ш.ОБИДОВА.

АЁЛЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН УЧУН

ЎЗБЕКИСТОНДА аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш дастури муҳокамасига бағишланган Маслаҳат қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шу йилнинг баҳорида таниқли шифокорлар, доришунослар, жамоатчилик вакилларидан иборат таркиб топган мазкур Маслаҳат қўмитасига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Б. Ёрқулов раислик қилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур қўмита аёлларни туғиш муддатини тиббий талаб жиҳатида тартибга солиш, уларни самарали дори-дармонлар, бошқа зарур тиббий воситалар билан таъминлашни тубдан яхшилаш юзасидан катта иш олиб бормоқда.

Кенгашда қўмита аъзолари қатор ўзбек фирмаларининг ушбу дастур бўйича тайёргарлик ишлари билан ҳам танишдилар. Кейинги пайтларда ўтказилган таҳлиллар аёлларнинг шифокорлар маслаҳати, ёрдамига кўпроқ эҳтиёж сезаётганликларини кўрсатди. Буни ҳисобга олиб махсус рекламалар, рисолалар, маслаҳат тарзидаги материаллар тайёрланмоқда Бу ишларда «Эксперт» тадқиқот маркази, «Фламинго» ҳамда «НС Компани» реклама фирмалари фаол иштирок этдилар.

Қўмита томонидан маъқулланган дастурни тайёрлашда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Сомарк» лойиҳа ташкилоти ва бошқа дори-дармонлар тайёрлайдиган хусусий корхоналарнинг ҳамкорликда иш олиб борганликлари катта аҳамиятга эга.

НОВВОЙХОНА ИШГА ТУШДИ

БЕКОБОД. Қутлуғ 50 йиллигини нишонлашга катта ҳозирлик кўраётган шаҳарда аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан иқтисодий қийинчиликларга қарамай шаҳарда аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида турли хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Куни кеча шаҳарнинг аҳоли кўп истиқомат қилувчи 13-даҳасида кунига 2,5 тонна нон маҳсулотлари бериш қувватига эга бўлган цехнинг ишга туширилиши фикримизнинг яққол далилидир.

— Ушбу цех қатор афзалликлари билан бошқаларидан тубдан фарқ қилади, — дейди шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов. — Жумладан, цехда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашда энг замонавий технология қўлланилмоқда. Бундай имкониятни бизга Туркиянинг «Экмосан» дастҳоҳлари ҳамда янги турдаги рус печлари берди. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, бу печлар ҳам электр қувватида, ҳам газ тармоғидан бемалол ишлайверади. Тайёрланадиган 15 хилдаги нон маҳсулотлари шу ернинг ўзидаёқ аҳолига сотилади. Иш эса 2 сменада ташкил қилинади. Муҳими, шаҳарда аҳолига қулайлик яратиш билан бирга янги иш ўринлари сони яна 14 тага кўпайди.

Х. ТУРАЕВ.

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАЁТГАНЛАР

ҲАЛИ ғалла ўрими бошланишидан бир ой илгариёқ туман ишчи гуруҳи белгилаган тадбирлар орасида бир фикр бўртиб кўзга ташланарди: «Мавжуд 35 та комбайн билан 6581 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш қийин. Шу боис ўроқлар тайёрлаб, қўлда ўришни изчил йўлга қўйиш ҳамда ўрим йиғимни 20 иш кунида тугатиш таъминланади». Орадан сал ўтмай қаттиқ шамол бўлиб кўпгина майдонларда буғдой ётиб қолгач, ишчи гуруҳи қўшимча белгилаган тадбирда техника билан бирга, қўл ўримини кучайтириш қайд қилинди. Жамоа хўжаликлари, бошқарув фаоллари, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Президентимизнинг ғалла мустақиллиги учун кураш сиёсати омма орасида кенг тарғиб қилинди. Ҳаракатлар зое кетмади. Эндиликда Оққўрғон тумани ғаллакорлари 26600 тонналик катта хирмон учун элим деб, юртим деб, енг шимариб ишламоқдалар.

Олтин далаларда етиштирилган ҳосил 35 комбайн, 5 минг нафарга яқин ўримчилар ёрдамида йиғиб олинмоқда.

Биз тумандаги хўжаликлардан бирида бўлиб ишнинг бориши билан танишдик.

ХАМИША шундай. Қишлоқ кишилари эрта уйғонадилар. Улар далаларда иш бошлаганларида тун эндигина пардасини йиғиб, сурмаранг осмон денгизида қовун тилимидек хилол сузаётган бўлади, холос. Кейин уйқуни одамлардан кечроқ тарк этгани учун қуёш юз андиша билан зар кокилларини борлиқ узра ёя бошлайди. Айниқса, бу манзара енгил шабадада оҳиста чайқалаётган олтин далаларга ўзгача тароват бағишлайди. Бўлиқ бошоқлар таъзими-ю, бир-бирларидан қолмай деб беллашаётган ўроқчиларнинг ҳазил-ҳузили, донни-донга кўшиб, сомонни ажратиб, уйимлаб бораётган комбайнларнинг наъраси ризқ-рўз яратилган майдонларга ажиб файз бахш этади.

Ана шундай тонглардан бирида «Озод» жамоа хўжалигининг Ғулом Хусаинов бошлиқ бригадаси ғаллакорлари билан учрашдик.

— Пардахол ая Убайдуллаевани табриклашингиз мумкин, — дейди жамоа хўжалиги раисининг муовини Дадажон Эрназаров. — Оиталалари билан 1 гектар майдондаги буғдойни ўриб бўлишиб, иккинчи гектарни бошлашди.

— Уни ҳам тугатишяпти, денг, — суҳбатга қўшилди ая, — худо хоҳласа эртага бўламиз. Бутун оила аъзоларимиз шу ердаку, ахир.

— Узр, ая, сизларга кўз тегмасин дейман-да, — ҳазиломуз жавоб қайтарди раис муовини, юзига қизиллик югуриб, — сафингиз яна ортганидан бехабар қолибман.

Ўн бир фарзандни вояга етказган Қаҳрамон она Умида Соатовалар оиласи ҳам боришимиздан бир кун илгари 1 гектар майдондаги ҳосилни ўриб бўлиб қўшниларга кўмаклашаётган экан.

— Бу онахонимиз, фақат ғаллада эмас, пиллада ҳам илғорлар, — дейди у билан ёнма-ён ишлаётган Гулсанам Ҳайдарова, ўн кунгина аввал 1,5 қути уруғдан 105 килограмм пиллани топшириб бўлиб, қўлларига ўроқ тутдилар.

Далада Гулсанамнинг турмуш ўртоғи Жўра Ҳайдаров, комбайнчилар Исмоил Муродов, Ахрор Музаффаровлар билан ҳам суҳбатлашдик. Шуни айтиш керакки, ғаллазорларда меҳнат қилаётганларнинг руҳлари тетик, суръат юқори. Бу бежиз эмас.

Жамоа хўжалиги раиси Раҳмонқул Мавлонов ўримга тушиш олдидан барча деҳқонлар, уйда ўтирган меҳнатга яроқли кишиларни тўплаб қисқача йиғилиш ўтказди. Шартшароитларни тушунтириб берди. Комбайнчиларга, ғалла ташувчи ҳайдовчиларга 3 маҳал иссиқ овқат иш жойининг ўзида ташкил этилиши, уларнинг даладаги ётоқларида барча қулайликлар яратилиши, ўрим салқин пайтларда икки сменада йўлга қўйилиши ҳақида гапирди. Кейин мавсумда 50 гектар майдондаги ғаллани ўриб берган комбайнчига 2 тонна дон берилиши, қўл ўримининг 1 гектари учун 400 килограмм буғдой натура тарзида тўланиши хусусида батафсил тўхталди.

— Отангизга раҳмат, раис, — деди йиғилишда сўз олган Рашид ота, — биласиз, суягим меҳнатда қотган. Деҳқонни қадрлаган, унинг манфаатини ўйлаган одам кам бўлмайди. Кеча телевизорда юртбошимизнинг ғалладан мўл ҳосил олиш борасида жон қуйдириб гапирганларини эшитдим. Албатта, ўзимизда бўлганига нима етсин. Республикамизда ғалла баракали етиштирилибди. Шуни нес-нобудсиз йиғиб олсак, келгуси йили четдан дон олинмас экан. Демак, нонимиз бутун бўлиб боряпти. Шуни айтай, қачон десангиз, шу куни оиламиз билан далада бўламиз. Сиз айтган 18-20 кунда эмас, 300 гектар буғдойни нари борса 15 кунда ўриб-йиғиб оламиз. Бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Дарҳақиқат, жамоа хўжалигида иш ота айтганидек, уюшқоқлик билан бошланди. Хўжалик аъзолари билан бирга, уйда ўтирган меҳнатга яроқли эркагу-аёллар, ёшлар буғдойзорга отландилар.

— Ғалла буюк неъмат, ука, — дейди Меливой ака Соатов, — шу боис биринчилар қатори қўлимга ўроқ олдим. Кечагидек ёдимда уруш туфайли болаликда кўп қийинчиликларни кўрдик. Гектар-гектар буғдойлар қўлда ўриларди. Исрофгарчиликка йўл қўйилмасди. Боғлаш чоғида тўкилган бошоқларни териб кунимизга яратардик.

«Озод»ликлар эрта-индин ғаллани нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олганликлари, режани ошириб адо этганликлари ҳақида маълумот беришлари тайин. Даладаги шижоат шуни кўрсатиб турибди. Ўримга 300 киши жалб этилган. 2 комбайн тўхтовсиз ишламоқда. Ҳосилни машина, тележкалар пешма-пеш омборга етказаётир.

Бу йил «Озод»ликлар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашган эди. Миришкорларнинг тинимсиз меҳнати, буғдойни ўз вақтида озиқлантириб, суғорганликлари туфайли ер саховатини аямади. Дастлабки кўрсаткичлар ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб кетишидан далолат бермоқда.

— Ана шу довонни эгаллаш учун интиляпмиз, — дейди раис. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Дастлабига «қисқа муддат ичида ўриб олармиканмиз» деган шубҳада ҳам эдик. Йўқ, икки-уч кун ичидаёқ бу ҳаёлдан ҳоли бўлдик. Одамларга минг раҳмат, улар чинакам фидойилик кўрсатишмоқда.

Ҳа, чиндан ҳам бошқарув раиси ҳақ гапни айтди. Фидойи кишиларга ҳамиша ҳавас қиласан, киши.

С.ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири

ДЕҲҚОН БОЗОРИ:
ТОР ЖОЙДА ТОМОШАМИ?

Юртимизда яна пишиқчилик. Деҳқон бозорлари ҳар қачонгидан гавжум. Бироқ ҳамма жойда ҳам харидор ва сотувчи учун бирдек шароит яратиб бериляптими?

Яқинда деҳқон бозорларида қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини жадаллаштириш мақсадида савдо давомида бир марта йиғиладиган тушумларни айрим шаҳар ва туманларнинг ўзида тўлиғича қолдириш ҳақида Тошкент вилояти ҳокимининг махсус қарори чиқди. Шу туфайлими Олмалиқдаги марказий деҳқон бозорида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 500 ўринли мева-сабзавот павильони қурилди, сут ошхонаси, меҳмонхона таъмирланди, ичимлик сув келтирилди, бир қанча ободончилик ишлари бажарилди. Аммо бозорда нима учундир одам кам. Беш-ўн нафар деҳқон кун бўйи харидор кутиб ўтиради. Нархлар ҳам нисбатан юқори.

— Бозорга келувчиларнинг ҳаммаси «Ойдин»даги филиалимизда, — дейди бозор маъмури Чинпўлат Ёқуббеков фикримизни уққач. — Қанча ҳаракат қилмайлик, уларни бу ёққа ўргатаолмаяпмиз.

Дарҳақиқат, Олмалиқдаги ҳақиқий деҳқон бозори аллақачон шаҳарга кираверишдаги «Ойдин» дўкони ҳудудига «кўчиб» улгурган. Бироқ катта йўл ёқаси бўлгани учун бу ерда харидор ва сотувчига деярли ҳеч қандай шароит йўқ. Кун тиғида сабзавот-мева сотаётган деҳқонлар сафи автобус бекатигача бориб етган. Яъни, «тор жойда томоша».

Маълум бўлишича, аҳоли истакларига кўра шу яқин атрофда ҳам бозорча қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Аммо маблағ йўқлиги сабабли бу иш ўлда-жўлда қолган. Бозорнинг ўз қонун-қоидалари бор. Шундай экан, ҳозирда бироз чекка жойга айланиб қолган Марказий бозорга сарфланган маблағ мазкур даҳадаги қурилишга ишлатилса бўлмасмиди?

Афсуски, вилоят шаҳар ва туманларидаги деярли барча деҳқон бозорларини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бозорга маҳсулот келтираётган деҳқон аксарият ҳолларда дуч келган жойда савдо қилишга мажбур бўлмоқда. Оҳангарондаги деҳқон бозори ҳам деярли ҳувиллаб қолган. Бу ҳолга барҳам бериш мақсадида шаҳар ҳокимининг қарори билан унинг «Берёзка» даҳасидаги бўлими тижоратчиларга берилди. Бироқ, назоратнинг сустлигиданми «тор жойдаги томоша» ҳамон давом этмоқда.

Юқоридаги ҳолларга чек қўйиш, бозорни бозордек қилиш вақти етмадимикан? Мутасаддилар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Н. ДУШАЕВ,
УзА мухбири.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқимизнинг эъзозли фарзанди Саид Аҳмад 75 ёшга тўлди.



Нафақат адабиётда, балки ижтимоий ҳаётда ҳам ўзининг фаол иштироки билан элнинг назарига тушиш, унинг чинакам муҳаббатини қозониш камдан-кам ижодкорга насиб этадиган бахтдир. Мустақил юрт кишиларини гоҳ кулдириб, гоҳ ўйлатиб эзгуликка чорлаётган, ватан тақдири, халқ тақдири учун куйиб-ёниб яшаётган хассос ёзувчимиз ана шундай бахтга муяссар бўлган инсонлардан бири. Давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик ордени» билан тақдирланиши ҳам унинг эзгу меҳнатларига берилган муносиб баҳодир.

Биз устозни қутлуғ 75 ёши билан «Тошкент ҳақиқати» жамоаси ва кўп сонли муштарийлари номидан самимий муборакбод этамиз. Кулган инсон қаримайди, дейишади. Одамларни кулдириб юрган устоз Саид Аҳмад ака ҳам қаримасин, янги-янги асарлар билан мухлисларни хушнуд этиб юраверсин!

ҲАҚОРАТ УЧУН РАҲМАТ

ЁЗУВЧИ ЁНИДА...
(Ҳужжатли ҳажвиялар)

«БЕЧОРА ЛИЗА»

Қора костюмини билагига ташлаб олган Саид Аҳмад ака бошидан ола ҳошияли, велюр шляпасини олиб ўзини елпиди.

— Ўф, Бухоронинг баҳори шундай қизиса, эрта ёзида чидаб бўлмаса керагов. Қани юр-чи, анови китоб магазинига кирайлик.

Магазинга кирдик. Одам сийрак. Эшик олдидаги столда бир челак сув қўйилган, ёнида қиррали стакан. Полга ҳам гул-гул сув сепилган. Саид Аҳмад ака: «Бу ер анча салқин экан» дея шифтга қараб олиб, русча адабиётлар бўлимини кўздан кечира бошлади. Худди шу пайт ён томондан қуйидаги сўзлар қулоққа чалинди.

— Китоб ўқийман десанг, ана буни ўқи. Мутаҳҳамди боласи жиддо яхши ёзади-да.

Иккаламиз ҳам ўша томонга кўз ташладик. Оқ-қизил йўлли нейлон кўйлак кийган, сочлари патила, мўйловли йигит ўзининг найнов шеригига гап маъқулларди. Қўлида Саид Аҳмад аканинг қизил муқовада чиққан иккинчи томи. Китоб сотувчи яҳудий йигит латта билан чангларни артиб турарди. Саид Аҳмад ака гапирма дегандек кўз қисиб қўйди. Йигит ҳамон сўзида давом этарди:

— Айтдим-ку санга, бу хумпарларни онаси кулдириш учун туққан. Телевизорда Эргашу Ҳасан ўйнайдиган минатураларнинг ҳам кўпчилиги шу ярамасники-да. Қани, тўла пулини! Мен ҳам битта оламан. Ўқисанг борку кулавериб ременинг чўрт узилиб кетади, вехе-ҳа, икки қўлинг тепангда бўлади. Жидоо зўр ёзувчида бу падаҳат!..

Чапани йигитнинг кейинги ҳақоратига чидай олмадим. Меҳмонни хафа қилдириб қўймайман. Жаҳл билан уларга рўпара бўлмоқчи эдим. Саид Аҳмад ака билагимдан тутиб қолди. Бир четга ўтдик.

— Қўявер, Бухоронинг одамлари ҳам об-ҳавосидек жуда ўтли, оловли. Анави йигитнинг шу «ҳақорати» учун унга тўн кийдирсам ҳам озлик қилади, — деди у силкиниб куларкан, — у мени ёмон ёзади, деб сўкмади-ку... «жиддо зўр ёзувчи-да бу падаҳат» эмиш... раҳмат шу йигитга! Яхши одам-ку, лекин ёмон ёзади-да, энағар, деб сўккани нима қилардим?..

Ўзимизни танитмасдан ташқари чиқдик.

Мулланафас номидаги театр саҳнасида «Келинлар кўзғолони»нинг премьераси катта шовшувларга сабаб бўлди. Янги спектакль — туркман саҳнасида воқеа деб қайд этилди. Бундан театр жамоаси ҳам, томошабинлар ҳам жуда хурсанд эдилар. Спектаклдан кейин Фармон биби ролини ўйнаган халқ артисткаси Сўна Муродова уйида зиёфат берилди. Шубҳасиз, бундай ўтиришлар қадаҳсиз ўтмайди. Ҳамма ширакайф. Даврада ҳаддан ташқари гўзал, жайрон кўзлари дам ёниб, дам маъюслариб турувчи, сарв қоматли Лиза Гараева деган артистка ҳам бор эди. У ўзбекча ва туркманча қўшиқларни катта эҳтирос билан куйлади. Олқиш устига олқиш олди. Даврадагилар унга хушомад қилишар, уни кўкларга кўтариб мақташарди. Лиза Гараева бу хил хушомадларга кўникиб кетган шекилли, бепарво жилмайиб ўтирарди. Шунда Саид Аҳмад ака ўрнидан турди. Меҳмон ҳурматига ҳамма жим бўлиб қолди.

— Ким нима деса десин, дўғонлар, — деди у жиддий, — мен Лизани ўзим билан Тошкентга олиб кетаман. Ўйлашимча, биз бир-биримиздаги қусурларни бемалол тўлдирамиз. Чунки у ҳаддан ташқари гўзал, мен эса ҳаддан ташқари хунукман (кулги). Лекин ўзим унчалик ҳам қари эмасман. Уттиз иккита тишимнинг ҳаммаси бутун. Чунки юқори-қуйиси протез (кулги) Кўзим ҳам жуда яхши кўради. Албатта, пилус бешинчи кўзойнак билан (кулги). Ҳали ҳасса олганимча йўқ. Чунки итдан қўрқмайман (кулги). Доим машинада юраман. Қисқаси, дўғонлар, мен Лизани ўзим билан Тошкентга олиб кетаман. Лекин бир нарсадан ташвишдаман: у Тошкентда қолиб, мен буёққа келиб қолмасам эди. Чунки бу ерда менга ўхшаганлар жуда кўп экан (кулги).

— Бу Кемина! — деди режиссёр Омон Кўмеков, — ўзбекнинг Кеминаси!

Саид Аҳмад ака кулдиришда давом этарди. Лиза Гараева эса ширин жилмайиб ўтирарди.

— Хуллас, мен Лизани ўзим билан олиб кетаман. Биламан, Лизага муносиб эмасман, унинг жазманлари жуда кўп. Чунки у гўзаллар маликаси. Мен эса хунуклар султони. Фақат бир илтимосим бор: шубҳасиз, мен унинг ҳажрида, фироқида ўлишим мумкин. Ҳалок бўлишим аниқ. Илтимос, шунда Лиза бошдан-оёқ қора кийиб, жасадим солинган тобут олдида бош эгиб турсин. Кўзига ёш келмаса, майли, тупугини сурсин. Кўрган одамлар: «Бедная Лиза!» десалар, шунинг ўзи кифоя менга!..

Даврада баланд кулги кўтарилди. Умумий кулги орасида худди жонон пиёланинг жирингидек ингичка қийқириқ эшитилди. Бу гўзал, мағрур жувон Лиза Гараеванинг кулгиси эди.

Қилич оға исмли кекса актёр «Ўзбек Кеминасининг соғлиги учун» қадаҳ кўтаришни таклиф этди.

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Шеърият

МЕҲР БЕШИГИДА ПЎЛҒОНАР БИР КУЙ...

ШЕЪР — кўнгил офтоби. Бу офтоб қалбларга нур ва ҳузур улашади. Ўзлигингни ўзингдан топишга ундайди, ўйлатади. Паркентлик шоир Маҳмуд Тоиров ҳам ўзининг ҳароратли шеърлари билан мухлислар қалбидан тобора чуқурроқ жой олиб бораётган истеъдодли ижодкорлардан биридир.

Яқинда шоирнинг «Муҳаббат шеваси» деб номланган янги китоби босмадан чиқди. Бу китобдан Маҳмуд Тоировнинг кейинги йилларда ёзилган энг сара шеърлари ўрин олган. Унда муҳаббат ва садоқат, эзгулик ва инсонийлик туйғулари самимий куйланади. Бу шеърларни ўқиган ўқувчи шоир юрагини эмас, балки ўз юрагини кўради, беихтиёр қалбида бир оҳанг пайдо бўлади, кўндан излаб юрган нарсасини шу оҳангдан топади. Китобни ўқиб чиқсангиз бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Қуйида шоирнинг янги шеърларидан намуналар ўқийсиз.

Маҳмуд ТОИРОВ

ВАТАН

Ўйласам ўйимда боллар томади,
Боғлари баҳорни соғинган диёр.
Меҳрим бешигида куй тўлғонади,
Менинг ҳам айтажак қўшиқларим бор.

Кўрдим, кўзларидан соғинчлари оққан,
Осмонингни ўпиб келар турналар.
Заминда ям-яшил аланга ёққан,
Чақмоқлар сасидан олам уйғонар.

Мудроқ нигоҳларинг болишларига
Ялпизларнинг иси томганда чак-чак.
Қалдирғочнинг тонгги хонишларига
Наздимда тошлар ҳам уйғонса керак.

Онам дуосида тинчлигинг тилар,
Фарзандим юзида кулгичинг кўрдим.
Бағрингга ботганда темир тобутлар,
Сойларнинг тошига бошимни урдим.

Армонлар бағридан олган эркингни
Ютоқиб боламдек бағримга босдим.
Дунё пештоқига қадалди туғинг,
Ватаним, болангман, дунёча ўсдим.

Истиқлол кўзлардан тўкилган алёр,
Қувончим шаршара, оқади дилим.
Темур юрагида юз очган диёр,
Сени Темур руҳи қўлласин, элим!

ТИНГЛАДИМ

Йиғлаётган чақалоқнинг қўшиғини
тингладим,
Йиғи деманг мен ҳаётнинг ошиғини
тингладим.

Ёноғидан юмалаган кўз ёш эмас,
шабнамдир.
Йиғисида куйлаётган бир покиза
одамдир,

Чумолининг чинқириғи тавонимни
тилворди,
Силагандим тошнинг юзин қиқир-қир
кулворди.

Ўз боғимдан узмак бўлиб бир гунчага
қўл урсам,
Оҳлар уриб болари йиғлаб турибди
кўрсам.

Юр деса, ой ортидан тунда эргашиб
эрдим,
Юлдузларнинг кўзидан то тонггача
нур тердим.

Рухсорингни кўрай деб ёлборсам
юрагимга,
Ёндириб юзин босди бир булбул
кўкрагимга.

Кафтларимда тўкилган илтижодан ер
куйгай,
Мен дўлвор девонани онам каби ким
суйгай?

Сўнгсиз савол сўнгида эгик кўрдим
бошимни,
Ёлғиз Аллоҳ кўргайдир дийдамдаги
ёшимни.

ОНА РИЗОСИ

Нияти зиёрат саййиди олам,
Қай куни қабристон кирганда бирров,
Бир қабр ёнидан ўтаётган дам,
Эшитди, оҳ урар гўрида биров.

«Оловга айланмиш ҳар урган оҳим,
Остимда олов вах, устимда олов,
Додимни эшитмас олампаноҳим,
Ўнг ёнимда олов, сўлимда олов».

Ортига қайтди-да, Муҳаммад шу дам,
Буюрди Макканинг аҳли жонига:
— Қабристонга бориб ҳар битта одам,
Ўтирсин тегишли қабр ёнига.

Қараса нолали қабрга яқин,
Чўк тушиб ўтирмиш муштипар кампир,
Сўради пайғамбар сарвари оқил;
— Бу сенга ким бўлар, онахон, гапир?

— Ўғлим, — деди она — бундай фарзанддан,
Лекин мен безорман оҳ, Расулуллоҳ!
Расулуллоҳ ҳам сўрди Яратгандан:
— Пардани кўтаргин, ё қодир Аллоҳ!

— Бор Худоё, карами кенг Худоё...
Шунча азобларда қолмишми болам!
Меҳринг дариғ тутма, боққил қиё-ё,
Розиман мен ундан, рози бўл сен ҳам!

Олов сўнди шу он ўғлон қабрида,
Она ризоси, бу Аллоҳга карам.
Дўзах олови бор она қаҳрида,
Унутманг, меҳрида жаннат малҳами!

ИШҚ УВОҒИ

Чопар ирмоқлардан сўрдим, тўхтамас,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.
Сув тутган сулувлар сенга ўхшамас,
Тўкилган дилимни тўлдиргин жоним.

Тиконлар тиғидан новвотлар сўриб,
Жонзотлар юрибди қандини уриб,
Мен нима кўрибман дунёга келиб,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.

Ҳазонлар ҳасрати кузга армонми,
Қуёш ҳам мен каби куйгувчи жонми,
Сенга рост бу дунё, менга ёлғонми,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.

Жон надур, тош куйгай ишқ увоғидан,
Бир увоқ сўрабман ёр дудоғидан.
Шу телба Маҳмудни кеч гуноҳидан,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.

МУҲАББАТ БОҒИДА БИТГАН ҚЎШИҒИМ

Болари лабидан томган болмидинг,
Муҳаббат боғида битган қўшиғим?
Қалдирғоч қидирган бир ҳаёлмидинг,
Муҳаббат боғида битган қўшиғим?!

Андалиб кўзидан томганда қайғу,
Ғунчалар юзидан тўкилур кулгу,
Мен наҳот ҳижронни куйлайман мангу,
Муҳаббат боғида битган қўшиғим?!

Соғинсам кўзимда қовжирар жоним,
Кўрга томаянти қатралаб қоним,
Ҳолинг на, демайди бир меҳрибоним,
Муҳаббат боғида битган қўшиғим?!

Сўзим саболарга эргашиб кетар,
Мен учун юзингдан, кўзингдан ўпар.
Мажнунлар ўтди-ку, Маҳмуд ҳам ўтар,
Муҳаббат боғида битган қўшиғим!

ҲАЁЛИМДА

Ҳаёлимда ёғар ёмғирлар,
Йўларимда баҳор гуллайди.
Юрагимни изғирин тиғлар,
Товонимда ҳазон йиғлайди.

Жондан ширин туйғуга асир
Бу жонимни қандоқ асрайин?
Оҳ, севгининг кўзлари басир,
Лекин сўзи ипакдек майин.

Тўкилмоқда барча барглари,
Дарахтларнинг бошин ким силар?
Ўтиб кетса онам дунёдан
Менинг умрим айтинг, ким тилар?!

ҲАФТАЛИК TV ТВ TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 12

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Гул ва ...»
18.55 «Иқтисодиётимиз таянчи».
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Анъаналар этади давом...» Мусиқий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Халқ севган адиб». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот».
19.15 «Ёшлик» студияси. Фарида Усмонова. «Она бағри». Телеспектакль. 1-қисм.
20.05 «Излаган имкон топади».
20.35 — 22.10 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
13.00 Хабарлар.
13.30 «Дилдаги рус қўшиқлари». В. Девятов.
14.20 «Вилоятдаги ноёб асарлар».
14.50 Телеэкран премьераси. «Ҳамон орзуларим телба». Бадиий фильм.
16.10 «Бола бошидан».
16.40 «Ҳар бир кун байрам».
16.50 «Петерберг мавсумлари».

*

«ОМАД» таништиради:
17.50 — 18.00 Янгиликлар. Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
18.00 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильмлар. 9 ва 10-сериялар.
18.20 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм», 1975 й.).
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 Видео — «О».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Курьер».
22.10 «... яна об-ҳаво ҳақида».
22.20 «Постфактум».
22.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
22.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Дурдаршон» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 «Дўстларимиз сайёраси».
21.30 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.15 — 22.25 «Би-Би-Си» янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 14

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Салом, Гнат!» Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 «Абитуриент-95». Математика.
10.30 — 12.30 «Ёшлик» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Талабалар баҳори» фестивали.
19.00 «Мулқдор».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.05 Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри артистларининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Хоразм вилояти.
22.10 «Маданий тараққиёт йўлида».
22.55 «Дилдаги гаплар».
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

18.30 «Ҳўжа Насриддиннинг 41-пашшаси». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
19.20 «Ҳаракатда барака».
19.50 «Шоҳсупа сари» (рус тилида).
20.20 — 21.40 «Кўпик». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 «Янги йўл». Узоқ Шарқ.
16.50 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

*

«ОМАД» таништиради:
17.20 Янгиликлар.
17.25 Мусиқий дастур.

*

«ОСТАНКИНО»
17.55 «Тигиз пайт».
18.15 «Миниатюра».
18.30 «Кинотавр-95» халқаро фестивалининг ёпилиши.
19.40 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 Дэвид Копперфильд. «Афсунгарлик билан 15 йил».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 «Теле-ателье-шоу».
22.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.25 «Кинонигоҳ».
00.05 Янгиликлар.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ўрлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Дурдаршон» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.45 «Омад» тақвими.
20.50 «Кўнгил».
20.55 «Жозиба».
21.15 «Бир шингил ҳангома».
21.25 «Ишингиз бароридан келсин».
21.35 «Муҳаббатга ошно қалблар».
21.55 «Теле-ателье-шоу».
22.05 Видео янгиликлари.
22.25 Янгиликлар.
22.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.15 — 00.55 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ўрлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Дурдаршон» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 «Қалбим қўри».
21.25 — 22.05 «Ширу-шакар» (тожик тилида).

ПАЙШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Магистраль». Бадиий фильм.
9.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
9.50 Шифокор экрани.
10.20 «Абитуриент-95». Она тили ва адабиёт.
10.50 «Ёшлик» студияси. «Баҳс».
11.30 — 13.30 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик оқшоми».
18.50 «Мен ва дунё».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Истиқлол қўшиғи», «Севги рақси». Премьера.
20.15 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.20 «Эъзоздаги қўшиқлар».
23.00 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадиий фильм.
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
19.05 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
19.50 Фильм-концерт.
20.20 Р. Муродов, Э. Охунова. «Садоқат достони».
21.05 — 22.20 «Соат 12 да бошлиқ келади». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 «Янги йўл». Челябинск.
16.50 «Менинг уруғим».
17.20 «Сизга самимият билан...»

*

«ОМАД» таништиради:
18.05 Янгиликлар.
18.10 Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
18.15 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 7-серия.
19.05 «Маҳбубалар». Г. Дали. 2-қисм. Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.35 Янгиликлар.
21.40 — 00.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ»:
— Халқаро мусобақалардан репортажлар.
— Етакчи спортчилар билан суҳбат.
— Спорт ҳақида қиқоялар.
— Ахборот ва эълонлар.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Дўстлар, ҳамкасблар».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
20.25 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
10.55 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.35 — 12.05 «Диёримни куйлайман». Мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Гулгунчалар».
18.40 «Биламиз-у, аммо...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Нома ёздим». Мусиқий кўрсатув.
22.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Учқун».
19.00 «Оромгоҳлар қўйнида».
19.40 «Самарали изланишлар».
20.20 «Суянч».
20,45 — 22.00 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.

ЎзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 Жума кунлари Дисней. «Монтекумбе хазинаси». Бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:
17.25 Янгиликлар.
17.30 Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
17.50 «Бомонд».
18.10 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 8-серия.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.35 Янгиликлар.
21.40 «Компьютер-Осиё».
22.10 Эълонлар.
22.15 «Даракчи».
22.25 Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Салом, Франция!»
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Оқ соя».
20.20 «Умид» (уйғур тилида).
21.00 — 22.30 «Кинематограф».

ЖУМА, 16

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Болалар фронтга жўнадилар». Бадиий фильм.
9.20 Немис тили.
9.50 Янги китоблар.
10.25 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
10.55 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.35 — 12.05 «Диёримни куйлайман». Мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Гулгунчалар».
18.40 «Биламиз-у, аммо...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Нома ёздим». Мусиқий кўрсатув.
22.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Учқун».
19.00 «Оромгоҳлар қўйнида».
19.40 «Самарали изланишлар».
20.20 «Суянч».
20,45 — 22.00 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.

ЎзТВ III

6.30 — 8.00 «Телетонг» («Останкино»).

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Хабарлар.
16.20 Жума кунлари Дисней. «Монтекумбе хазинаси». Бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:
17.25 Янгиликлар.
17.30 Куйлар.

*

«ОСТАНКИНО»
17.50 «Бомонд».
18.10 «Жозефина ёки шуҳратпарастлик комедияси». Телесериал. 8-серия.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.35 Янгиликлар.
21.40 «Компьютер-Осиё».
22.10 Эълонлар.
22.15 «Даракчи».
22.25 Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Салом, Франция!»
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Оқ соя».
20.20 «Умид» (уйғур тилида).
21.00 — 22.30 «Кинематограф».

ШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадиий фильм.
9.30 «Кино таҳририяти почтасидан».
10.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
10.40 «Аҳвол қандай, чемпион?»
11.10 «Ташвилоятйўловчитранс»— халқ хизматида».
11.30 «Туркистон — умумий уйимиз».
12.20 «Билимлар маскани».
12.50 — 14.50 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси. «Дойо бобо даврасида».
18.25 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Равшан Комилов куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мозийга бир назар».
22.05 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.20 Эълонлар.
23.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Муниса рақслари».
18.50 «Деҳқон даладан қайтди». Қишлоқ меҳнаткашлари учун ахборот-мусиқий кўрсатуви.
19.50 «Шум болалар» чойхонаси. Мусиқий кўрсатув.
20.40 — 21.50 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.

ЎзТВ III

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Жаҳон табиати».
10.20 Эълонлар.
10.25 Дэвид Копперфильд. «Афсунгарлик билан 15 йил».
10.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 «Теле-ателье-шоу».
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.05 «Кинонигоҳ».
13.45 — 13.50 Янгиликлар.

* * *

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 «Караокэ русчасига».
16.30 Эълонлар.
16.35 «Оқ қарға».

*

«ОМАД» таништиради:
17.25 Янгиликлар.
17.30 Мусиқий дастур.

*

«ОСТАНКИНО»
18.10 Луи де Фюнес «Жандарм ва юбка кийган жандармлар» комедиясида.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

«ОМАД» таништиради:
20.40 Эълонлар.
20.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.35 Янгиликлар.
21.40 Жаҳон географияси.
22.30 «Панорама».
23.00 «Автосалон»
23.20 Эълонлар.
23.25 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Табассум».
10.40 Камер оркестри чалади.
11.10 «Хонаки ҳайвонот боғи».
11.30 «Плюс ноу-хау».
12.15 — 13.45 «Кинематограф».

* * *

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Эллада».
20.25 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
20.55 «Чинсэн».
21.35 «Бу ажиб дунё».
21.55 — 22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
11.50 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.35 У. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.15 — 15.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навруз» — «Навбаҳор».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Ойнаи жаҳонда».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Хайр, ширин орзулар». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар. Телепремьера (Покистон).
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. «Диққат, шаҳарда сеҳргар».
19.35 «Ёшлик» студияси. «Қувноқлар ва зукколар...»
21.10 — 22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»—«Суғдиёна».

ЎзТВ III

«ОСТАНКИНО»
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Эрта саҳарлаб».
8.50 «Сеними, шошмай т

Инсон одоби билан гўзал

Мавзуни ёзувчи, журналист Мақсуд ҚОРИЕВ олиб боради.

Ота пойига.

А.АБЛАЯН олган сурат-лавҳа.

Амир Темур ҳақида

Буюк тарихнавис аллома, наср ва назм гулзанининг носири Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома»сида буюк Амир Темурнинг дунёга келиши хусусида битаркан ажойиб сўз гавҳарларини маржондек теради:

«Қозонсултонхон салтанати замонида подшоҳлик тонги Оллоҳ тақдир этган уфқдан ёриша бошлади ва шаҳаншоҳлик юлдузининг нурлари тангри иноятлари авжида порлай бошлади. Етти юз ўттиз йил йигирма бешинчи шаъбонда сешанба кечаси (1336 йил 8 апрель) (яъни мўғуллар даврий йил) ҳисобининг бошланиши булган сичқон йили Кеш (шаҳри) атрофидаги (бир) дилкаш жойда, пок шаърий қоидага мувофиқ ул динпарвар нуённинг никоҳида бўлган покиза Тагина хотуннинг чодиридан ҳазрат Соҳибқироннинг вужуд афтоби бахтли чиқиш уфқида кўринди, ҳамда унинг оламни ёритувчи янги ойи саодат буржидан узлуксиз ёғду тарата бошлади».

ҲАЁТДАН ОЛИНГАН ДУРДОНА САТРЛАР

Баъзан ота-боболаримиз, ўтмиш алломалари айтиб кетган ҳикматли сўзларни ўқиб ёки эшитиб хайратланиб қоламиз. Чунки уларда ҳаётдаги воқелик ва ҳодисаларнинг моҳияти шундай чуқур очиб берилганки, у кишини ўйлантиради, сабоқ чиқаришга ундайди. Бу бежиз эмас. Зеро, улар ҳаётдан олинган хулосалардир. Шунинг учун ҳам йиллар, асрлар ўтса ҳамки, замонлар элагидан ўтиб, сайқалланиб келаётган бу бебаҳо сатрлар ўз мазмун-моҳиятини йўқотмай келмоқда.

Қуйида биз эълон қилаётган одоб, дўстлик, қадр-қиммат, оқибат ва одамийликни улуғловчи ҳикматли сатрлар юнон файласуфлари — Суқрот, Демокрит, Пифагор ва Феогнид қаламига мансубдир.

Бировга заррача ҳам яхшилик қилиш қўлингдан келса, зинҳор уни кечиктирма. Катта ваъдалар бериб, бажармагандан кўра, оз нарса ваъда қилиш-у, лекин уни ўринлатиш яхшироқдир.

* * *

Ёмон ишни чиройли сўзлар билан ёпиб бўлмаганидек, яхши ишни ёмонлаган билан, бари бир булғатиб бўлмайди.

* * *

Ярамас, бузуқ одамларга эргашиш, албатта, ёмон: аммо яхши одамларга тақлид қилишни истамаслик ундан ҳам ёмонроқдир.

* * *

Нуқул бировлардан шикоят қилиб юрувчи одамдан дўст чиқмайди.

* * *

Уч нарса донолик нишонаси ҳисоблананди: охир-оқибатда яхшиликка олиб борувчи тўхтамга келиш, гапда чалкашмаслик ва лозим бўлган ишнигина қилиш.

* * *

Бошга бирор мусибат тушганда бурчга содиқ қолиш — улуғ иш.

* * *

Тақдирнинг зарбаларини чиппакка чиқарувчи куч — мардликдир.

* * *

Ҳасадчи одам ич этини еб, аслида, душманига эмас, ўзига жабр қилади.

* * *

Ердан йилига бир марта ҳосил олинса, дўстлик ҳамма вақт ҳосил беради.

* * *

Ҳеч қачон адолат чегарасидан ташқари чиқма, дўстларингдан арзимас сабаб билан кечиб кетма.

* * *

Инсонни ярамас сўзлар айтиб кўпчилик олдида изза қилгандан кўра, тош ёки бошқа бирон нарса билан урган яхшироқ.

* * *

Бирор иш қилмоқчи бўлсанг, уни то узил-кесил ҳал қилмагунингча, одамларга айтиб мақтаниб юрма.

* * *

Денгизда сузиб юрганда, кемани бошқарувчи дарғачининг сўзига қулоқ солиш керак, турмушда эса, ҳар ким ўзидан бириккита қўйилакни ортиқ йирттан кишининг гапига кириши лозим.

* * *

Бир одамнинг феъл-атворини яхши билмасдан туриб, уни ёмонлама ва мақтама.

* * *

Кишиларнинг муваффақиятсизлигидан кулма, чунки ҳатто шер ҳам, ҳайвонот дунёсининг шохи бўлишига қарамай, баъзан қопқонга тушади.

* * *

Бировларни ҳақорат қилишдан лаззат оладиган кимса энг ярамас одамлардан саналади.

* * *

Агар сен ота-онангни беҳурмат қилсанг ва буни эл-юрт пайқаб қолса, у ҳолда сендан ҳамманинг ихлоси қайтади ва дўстлик ришталари узилади. Одамлар ота-онангга нисбатан нонкўрлик қилганингни билганларидан кейин сенга яхшиликни раво кўрмай қўядилар, чунки сендан яхшиликка яхшилик қайтишига кўзлари етмайди-да.

* * *

Суқротнинг эски қадрдонларидан бири буюк файласуф билан қаттиқ уришиб қолиб, дўстлар узоқ вақтгача юз кўрмас бўлиб юришди. Бир куни ўша одам кўчада Суқротта дуч келиб, зарда билан деди: «Мен сендан ўч олмагунимча ҳаёт билан видолашмоқчи эмасман!» Суқрот эса унга «Мен ҳам сен билан илгариги ошначилигимизни тикламагунча ўлмоқчи эмасман», деб жавоб берди.

Шундан кейин бояги одам Суқротнинг елкасига қўлини ташлаб: «Бу гапинг билан сен икки мақсадга эришдинг: ҳам мени тириклайин ўлдирдинг, ҳам дўстлигимизни аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ қилиб тикладинг», деган экан.

«СИБА» ФИРМАСИНИНГ «ДАЛА КУНИ»

Швейцариянинг машҳур «Сиба» фирмаси вакиллари билан республикамизнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислари ўртасидаги амалий учрашув «Дала куни» деб аталди. Бу тадбир 8 июн куни Тошкент вилоятининг Ким Пен Хва номидаги жамоа хўжалигида ўтказилди.

Учрашув иштирокчиларига Швейцариянинг ўта самарали «Рапкол» кимёвий моддаси намойиш этилди. Бу модда билан чигит дориланади, у ғўзани илдиз чириш касаллигидан ва бошқа касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилади.

Сўнгра семинар бошланди. Унда «Сиба» фирмаси, республика Фанлар Академиясининг Генетика институти, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти, қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзагрокимёсервис», республика давлат кимё концернининг вакиллари қатнашдилар.

«Сиба» фирмасининг вакили М. Дорич фирманинг чигит ва донни экишдан олдин дорилаш учун янги кимёвий моддаларни ишлаб чиқишга доир фаолияти хусусида гапириб берди.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, уруғлик буғдойни экишдан олдин дорилаш учун ишлатиладиган «Дивиденд» ҳамда ғалла касалликларига қарши курашда ишлатиладиган «Тилт-премиум» моддаларининг имкониятлари билан ҳам танишдилар.

(ЎзА мухбири).

БОЛАЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача тарбия муассасаларида ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлари болалари ўртасида «Соғломжон — полвонжон» оммавий мусобақаларини ўтказди. Мусобақалар уч босқичда — мактабгача тарбия муассасаларида, шаҳар ва туман биринчиликлари, вилоят биринчилиги учун бўлди.

Вилоят биринчилиги Чирчиқ шаҳар истироҳат боғида бўлиб ўтди. Биринчи ўринни Олмалиқ шаҳар 33-сонли болалар боғчаси эгаллади. Мусобақалар байрам шаклида, тантанавор ташкил этилди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг жалб қилинди. Мусобақа қатнашчиларига туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, вилоят Қизил ярим ой жамияти тайёрлаган совғалар берилди.

Н. ҚУРБОНОВА.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

19 АВГУСТДА ТАЙСОН РИНГГА ЧИҚАДИ

Бир неча йиллик танаффусдан сўнг Майк Тайсон яна журналистлар олдида пайдо бўлди. Машҳур боксчи турмадалигида ислом динини қабул қилиб, собиқ жаҳон чемпиони Муҳаммад Али сингари мусулмон бўлганлигидан хабарингиз бор. Шу сабабли у ҳар гапининг бирида Оллоҳни эслаб, худо хоҳласа рингга чиқажагини маълум қилди.

Собиқ жаҳон чемпиони учрашадиган янги рақиблари орасида оғир вазнли Питер Макнили бор. У билан расмий олишуви 19 август кунига белгиланди. «Жанг» «Лас Вегас шаҳрида бўлади. Олишувда ким ғалаба қилиши мумкин, деган саволга Тайсон «Худо билади, мен — Нострадамус эмасман» деган жавобни қилди. Матбуот анжуманида у журналистларга уч йиллик қамоқдан сўнг жуда шай бўлиб турганлиги, жиддий рақиби билан бўладиган биринчи «жанг»ига уч ой қолганига қарамай ҳали тренерини танламаганлигини айтди.

Тайсон ҳозир «соя билан олишув» машқларини тинмай бажармоқда, гимнастика залида шуғулланмоқда. Спорт кўчасига кирганидан буён биринчи марта яқин орада рўпара келадиган рақиблари «жанг»ларининг видеоёзувларини кўрди. Тайсон рингнинг фахрийси Жорж Формен билан, худо хоҳласа, бўладиган олишув хаёли билан яшаётганлигини яширмади.

* * *

ҚАЙТА «ЖАНГ» БЎЛАДИМИ?

Халқаро бокс уюшмаси оғир вазнда жаҳон чемпиони номи учун америкалик Жорж Формэн билан немис Аксел Шульц ўртасида такрорий жанг ўтказишга қарор қилди. Лас-Вегасда бўлган биринчи учрашувда (унда америкалик ғалаба қозонганди) судьялар холис бўлмаганлиги учун Германия томони шикоят қилганди. Шикоят инобатга олинди. Агар Формэн қайта рингга чиқишдан бош тортса, у ўз-ўзидан жаҳон чемпиони номидан маҳрум этилади.

Футбол

ИККИНЧИ МИНТАҚАДА

ЎЗБЕКИСТОН биринчилиги иккинчи минтақасида пешқадамлар орасидаги фарқ шунчалик камки ҳатто бешинчи ўринни эгаллаб турган «Наврўз» бугун бўладиган навбатдаги турдан сўнг икки-уч поғона юқорига кўтарилиши мумкин. Узоқ вақт минтақада пешқадамлик қилган «Ғазалкент» футболчилари кейинги ўйинларни муваффақиятсиз ўтказмоқдалар. Улар 10-турда «Боғдодчи» меҳмони бўлиб, 0:3 ҳисобида енгилишди. «Кушон» эса «Норин» жамоасини 5:1 ҳисобида мағлуб этиб, пешқадамликни қўлга олди.

Бугун ўтказиладиган 11-турда. «Ғазалкент» футболчилари Чирчиқнинг «Кимёгар» клубини, Қибрайнинг «Маданият» жамоаси эса «Чилонзор» футболчиларини қабул қилишади.

Гарчанд 10-турдан сўнг «Кушон» ва «Ғазалкент» футболчилари 19 тадан очко билан жадвалда I ва 2 ўринларни эгаллаб турган бўлсада, йўқотилган очколар сони жиҳатидан «Чилонзор» пешқадам ҳисобланади.

10-турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Гулистон» — «Наврўз» — 0:0, «Олтинкўл» — «Бахт» — I:I, «Кимёгар» — «Мебелчи» — 2:0, «Чилонзор» — «Шаҳрихон» — 4:0.

Биринчи гуруҳ, иккинчи минтақада бугунгача бўлган турнир жадвалидаги аҳвол қуйидагича:

Жамоалар	Ў.	Т.	О.
«Кушон»	9	22-6	19
«Ғазалкент»	10	14-13	19
«Маданият»	9	20-10	18
«Чилонзор»	8	17-4	17
«Наврўз»	9	9-7	17
«Боғдодчи»	9	12-8	15
«Кимёгар»	9	10-11	11
«Олтинкўл»	9	12-4	10
«Бахт»	8	9-12	10
«Шаҳрихон»	9	6-13	10
«Мебелчи»	9	7-12	8
«Гулистон»	9	7-10	7
«Норин»	9	6-31	1

СЎНГГИ СЎЗ

Палата эшиги ғичирлаб очилиб, ёшгина йигитча кўринди.

— Ассалому алайкум, соғайиб қолдингизларми? — дея самимий боқди-да, излаган одамини топа олмади шекилли, «кечирасизлар», — деб чиқиб кетди.

Тўхтасин аканинг юраги «шиғ» этиб кетди. Ахир бу йигит корхонада бирга ишлайдиган Мурод-ку. Тўғри, унинг ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ эди. Бир қишлоқлик бўлишса-да, салом-аликдан нарига ўтишмасди. У шулар ҳақида ўйлаб касбдошларини эслади. Касалхонага ётганига ҳам 6 ойдан ошди-я.

Эшик очилиб ҳамшира кўринди. Енида ҳалиги йигит.

— Ана, Тўхтасин ака Алиев, шу палатадалар дедим-ку.

Мурод Тўхтасин акага қараб саломлашди-ю, ҳаяжонини яшира олмади. Тўхтасин ака унинг ойласи, ишхонадагилар соғлигини сўраяпти-ю, Мурод ҳали ўзига келгани йўқ. «Наҳотки инсон ярим йил ичида шунчалар ўзгариб кетса-я. Қани бу кишининг алп қомати-ю, ҳарангдор овози?».

Воқеий ҳикоя

— Тузук бўлиб қолдингизми, Тўхтасин ака? Тошкентдан, жамоамиздан сизга салом олиб келдим. Барчамиз тузалиб ишга тушишингизни кутяпмиз. Мана, қаранг, буни қизлар сизга юборишди. Бу байрам олди табриги, дея катта сумкадан бир-бир совғаларни олиб стол устига қўйди. Тўхтасин аканинг кўзига ёш қалқиди.

— Овора бўлиб... раҳмат!..

Мурод беморни уринтириб қўймаслик учун тезда хайрлашиб чиқиб кетди. Аммо Тўхтасин ака алланечук бир ҳолатда эди. Танимади? Ҳа танимади. Кўз олдидан 20 йил меҳнат қилган корхонаси ўтди. Яхши-ёмон куни ҳам, ёрубиродарларини ҳам, обрў-эътиборини ҳам шу ердан топганди. Афсус, ошна-оғайничилик, улфатчилик дея ароққа ружу қўйди. Бора-бора ҳар куни улфатчилик қилмаса бўлмайдиган бўлиб қолди. Хотинининг, яқинларининг дашномлари кор қилмас, хатто дўхтир тавсиясига ҳам эътибор бермасди. Назарида хотини дўхтирга ҳам «ичишни ташласинлар» деб тайинлагандек. Бўлмасам, неча бор жигарингиз қуриб боряпти, ичиш умуман мумкин эмас, дейишса ҳам кўнмадим-а? Шайтон сўзига киргани шумикан. Ўзи-ўзи, хотини ҳам қийналиб кетди. Палатада 6 эркак ичида кечқурунлари ёнида ўтиради. Юм-юм йиғлагани йиғлаган. «Ёшгина жонингизга жабр қилдингиз-а», деб қуйинади. Ким билади, бир сўзлигиммикан, ё ўжарлигимми?.. Ўзининг дарди ўзига-ю, кеча ўғлининг ширакайф ҳолда келганини кўриб аламини ютди. Эрта-индин у ҳам шу қўйга тушармикан? Ёхуд унинг ҳаёти танбеҳ бўлармикан?

Тўхтасин ака дўстлари юборган совғаларни бир-бир кўздан кечяпти-ю, қўли мадорсизлигидан нарсалар тушиб кетди. Беихтиёр ғўдак қўллари сингари нозик бўлиб қолган, томирлари бўртиб игна зарбидан кўкарган билакларига кўзи тушди. Қандай бақувват, тоғни урса талқон қилгувчи билаклари бор эди. «Не аҳволга тушиб қолдим?»

Идиш-товоқларни ювиб келган хотини сумкага нарсаларни жойлар экан кўз ёшларини эридан беркитиб «адаси, икки-уч кун уйда дам олиб келасиз» — деди.

«Демак саноқли кунларим қолибди-да», дея хаёлидан ўтказди у. «Ахир одатда кўпинча давосиз касалларни уйига боришга рухсат беришади-ку. Бўлмасам, 6-7 маҳаллаб муолажа олиб турган бир пайтимда жавоб беришармиди?». Бир зумда ўтган умри кўз ўнгидан ўтди. Ўша ёшликда етимликдаги кунлари, ўқиш давридаги қийинчиликлари. Ахир шундай мартабага, аҳил оилага етишаман деб қанча интилган эди-я. «Қайданам шу ичиликка ружу қўйдим». Бирдан яна кўз олдига ўғли келди. Назарида унинг тақдири ҳам ўзининг тақдирига ўхшаб қолаётгандек томоғига бир нарса тиқилди.

— Аяси, ўғлингизга айтинг, ичмасин. Ҳеч ичмасин. Мен рози бўлмайман...

Хотини кроват тагидаги туфлини қўлига олиб сумкага жойлар экан: «уйга боринг, ўзингиз тайинлайсиз», — дея сочиқ-қўйлакларни йиға бошлади.

Афсуски, бу Тўхтасин аканинг сўнгги сўзлари эди...

Мая ОБИДОВА.

Ҳаётий саҳифалар

ЎЗИМ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛАМАН...

Ўша тўйдан кейин Маҳмудни кўрмадим. Тўғриси ундан кўнглим қолиб, ҳатто учрашишга ҳам интилмадим. «Суймаганга суйкалма» деган бобокалонларимиз. Истамаганидан кейин нима қиламан ҳадеб суйканабериб. Ўзимга ҳам кейин таъсир этди. Ахир ердан чиққан эмасман-ку?

Хотиним ҳам дўстингиз қаерда, деб сўрамай қўйди. Аёл эмасми, ўзига яраша ғурури бор. Бутунлай узилгандай, дўстликка раҳна тушгандай эди.

Мен бўлсам, негадир Маҳмудга аччиқ қилгандай, ўз ишимга қаттиқ киришиб анчадан бери тўхтаб ётган номзодлик диссертациям устида қунт билан иш олиб борардим. Икки бобини битириб, илмий раҳбаримга ўқиш учун берган эдим, домлам ёзганларим билан танишиб чиқиб, мендан хурсандлигини билдирди, ҳамда икки ой ичида диссертацияни тамомлашингиз керак, деб масалани қатъий қилиб қўйди.

Хуллас, менинг ишларим анча юришиб кетган эди. Билмадим, домлам қўнғироқ қилганми, бир куни директоримиз ҳузурига чақириб, мендан ҳол-аҳвол сўраб қолди. Кейин диссертациянгизни тугаллаб олишингиз учун икки ой ижодий отпуска бераман деди. Хурсанд бўлиб кетдим. Кейин яна: диссертациянгизни ёқлаганингиздан кейин ўзимга ўринбосар қилиб оламан, — деди.

Шундай қилиб ишларим юришиб кетдики, гўё менга омад кулиб боқаётгандай, яратган Аллоҳнинг иноятидан бахраманд бўлаётгандай эдим.

Бир катта анжуман бўлди-ю, бир одам билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Кўзимга таниқдек кўринди. Бирдан ўзи гап очиб қолди:

— Сиз Маҳмуд аканинг қадрдон дўстисиз-а?

— Ҳа, нима эди, — сўрадим.

— Хабарингиз йўқми?

— Нимадан?

— Инфаркт бўлиб касалхонага тушиб қолдилар.

— Ия, ҳали ёш, соппа-соғ эди-ку!

— Касал келса, ёшу қарини ажратадими, қизиқ экансиз?

Қадрдон дўстимнинг оғир ҳолатда касалхонага тушиб қолганлигидан хабарсиз қолганим учун ёнимдаги суҳбатдошимдан тағин ҳижолат чекдим. «Қадрдон дўстисиз» деган гапи юрагимга қаттиқ ботди.

— Аҳволи анча оғир эмиш, унинг устига...

Бир нарса миямга келиб урилгандай бўлди. Яна нима бўлибди, нега ўғини айтмади. Сўрашга ийманаман, яқин дўст ҳам шунчалик бўладими, наҳотки шунчалик бепарво, бевафо бўлса деяётгандай эди, суҳбатдошим.

— Сиз қанақа дўстсиз ўзи, қадрдонингизнинг бошига шунча гаваҳолар тушса-ю, сиз бўлсангиз ҳеч нарсадан хабарсизсиз. Бошига неллар тушмади, Маҳмуд аканинг. Комиссия устига комиссия роса текширишди, мана оқибати — инфаркт. Ҳа, шунақа, амал шунақа дўстим, бугун бор, эртага йўқ. Энди бўлса «Ҳолинг не кечди» деб сўрайдиган бир меҳрибони йўқ.

Қидириб-истаб Маҳмуд ётган шифохонага бордим, «реанимация» хонасида ётган экан. Бир қўл, бир оёғи ишламайди, гапирса тутилиб-тутилиб, кўпинча нима демоқчи эканини англаб бўлмайди.

Хонага киришим билан мени кўриб кўзига ёш олди. Кейин ўзини тутаолмай юм-юм йиғларди. Эркак кишининг бунчалик изтироб чекиб кўз ёши қилишини биринчи бор кўришим. Яқин-яқинларга ариллаб-дариллаб, ҳамма жойга қўли етадиган мансаб соҳиби энди ночор заиф одамга айланиб қолган эди. Афсус, минг афсус ва надоматларки, амал, даража, мансаб кўтарганга, эплаганга насиб этар экан. Кўтаролмасанг оқибати вой бўлур экан.

— Мени кечир, дўстим, — деди секингина титраган овоз билан.

— Нега ундай дейсан, ҳафа бўлма, албатта соғайиб кетасан. Эҳе, ҳали ўша пайтлардагидек биргалашиб паловхон тўрани ясаймиз, ўзинг янги сўйилган қўй гўшти олиб келасан, қиттай-қиттай дегандек-а...

Маҳмуд мийиғида кулиб қўйди. Шу аснода унинг юзида ўша самимийлик, ўша ёшликдаги ҳақиқий дўстлик қайта туғилгандай бўлди, менга. Йўқотиб қўйган дўстимни яна топиб олгандек эдим. Аммо вақтчи, соғлиқчи? Уни Маҳмуд энди қайдан топади?

Охири. Боши ўтган сонларда

Бобокалонларимиз насиҳати

ЯХШИЛИККА НЕ ЕТСИН

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» буюк асари ёзилганига ҳам мана минг йилга яқин бўлди. Инсон фазилатлари, аҳлоқ-одоби хусусидаги бу ёзма ёдгорлик йилдан-йилга кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Буюк бобокалонимизнинг мана шу доно фикрларига яна бир бор эътибор қилинг:

«Қўлинг эларо узун бўлса, сен ўзи феъл-атворингни эзгу тут. Йигитлик мангу эмас,, у жуда тез кечади. У яшиндек тез кўчади. Тирикликда жами эзгуликларни йиғмоқ керак. Улар кейинчалик гўзлик ва қийгулик бўлади. Кишиларнинг эзгуси бу ҳақда шундай деган:

— Бу нафас олувчи, яъни тирик жон охир-оқибатда ўлади. Ахир оламда туғилган одамзоднинг бири озроқ, бошқа бири кўпроқ яшайди, сўнг, барибир вафот этади. Лекин подшоҳнинг ҳам, оддий одамнинг ҳам вафотидан кейин қоладиган нарсаси — номи бор.

Агар сенга шу навбат жойи теккан бўлса, сен унга муносиб тарзда яшагин.

Тирик охир ўлар қора ер қучиб.
Ном эзгу эса-чи, кетарми ўчиб.
Икки хил ном қолар дилда бегумон,
Бири яхшилигу бириси — ёмон.
Доно мақтов олар, нодончи, сўкиш.
Ўзинг ўйла, сенга мақбул, қайси иш?!

ЭЗГУЛИК ЭСДА ҚОЛАДИ

Хотира

Пойтахтнинг Эшонгузар маҳалласидан эл-юрт хизмати учун фидойилик қилиб эъзозга сазовор бўлган одамлар анчагина чиққан. Ана шулардан бири Фозилхон ака Умаровдир. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида у кишини ҳуқуқшунос, адолат посбони сифатида яхши биладилар.

Фозилхон Умаров 1935-1939 йилларда Тошкент олий адлия илмгоҳида билим олиб, уруш бошлангунча пойтахтимизда ва вилоят туманларида халқ судьяси бўлиб ишлаган эди. 1942 йилгача ҳарбий трибуналда ҳайъат аъзоси вазифасини бажарди.

Фашизмга қарши уруш бошланганда ҳуқуқ посбони ҳам фронтга сафарбар бўлди. 1942-1944 йиллар давомида ҳаракатдаги армияда взвод ва рота командири сифатида аскарларга раҳбарлик қилди. Фозилхон аканинг кучли иродаси, юксак маҳорати қўл остидаги аскарларга ҳам ўтган, шу туфайли улар қўмондонликнинг жуда кўп жанговар топшириқларини муваффақиятли бажарардилар. Фозилхон ака Белоруссиядаги оғир жангларда бир неча бор ярадор бўлди. Ҳарбий госпиталларда узоқ вақт ётиб даволанишига тўғри келди. Шифокорлар унинг иккала оёғидан ўқ парчаларини олиб ташлаб, ҳаётга қайтардилар. Уруш давридаги жанговар хизматлари учун Фозилхон ака бир қанча орден ва медаллар билан мукофотланган.

Ҳамшаҳримиз уруштан қайтгач ўз мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатди. Тошкент шаҳрининг бир неча туманида халқ судьяси, пойтахт вилояти судининг аъзоси бўлиб ишлади. Уни Андижон вилояти ҳуқуқ посбонлари ҳам унутмайдилар. Адлия органларининг 70 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ андижонлик судьялар сафида «Инсон ва қонун» журнали саҳифаларида унинг суратини эълон қилишди.

Фозилхон Умаров узоқ йиллар мобайнида вилоят адвокатурасида адвокатлик қилди, адолатни қарор топтириш, айбсизларни ўринсиз жазодан сақлаб қолиш йўлида бутун тажрибасини, билимини ишга солди. Бу борада вақти, ғайратини сира аямасди. Фахрийларнинг давралари, чойхоналардаги суҳбатларда қариялар Фозилхон Умаровнинг ана шу фазилатларини қайта-қайта тилга олишади.

Яқинда бутун халқимиз Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан уруш фахрийларига катта иззат-икром кўрсатди. Эшонгузар маҳалласи аҳолиси барча фронтчилар қатори Фозилхон Умаровни ҳам халқ ва Ватан олдидаги хизматларини миннатдорчилик билан эслади.

Ҳа, яхшилик унутилмайди, яхши одамлардан қолган излар ўчмайди.

Э. РИЗАЕВ.

Ирим-сирим, урф-одат

ДАРАХТ ҚЎРҚАДИМИ?

Бобокалонларимиз дарахт ўтказиш, уни парвариш қилишга муқаддас, савоб иш деб қараганлар, фарзандлари, неваралари онгига ҳам шу ғояни сингдирганлар. Ниҳол экиб, ундан фарзандларим, невараларим бахраманд бўлсин деб яхши ният қилишган. Ҳовлига экилган бир туп балх тутдан бутун маҳалла бахраманд бўлган. Қадим-қадимлардан одамлар дарахтларга жонли нарса деб қараганлар, иссиқдан, совуқдан сақлаб озиқлантирганлар, суғорганлар. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Мана, сиз токни баҳор вақтида энди уйғонаётган чоғида кесиб қўйсангиз «шўрлик» йиғлагандек, кўз ёши тўккандек бўлади.

Ёшлигимда шундай бир қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлганман. Қўшнимиз бўларди, ўзи ажойиб миришкор боғбон эди. Ҳовлисига олма дарахти экиб, меҳр билан парваришлади. Аммо олма ҳосил бермади.

Шунда уйдан болта, арра кўтариб чиқиб:

— Энди буёғини ўзингдан кўр, мана энди ҳосил бермасанг кесиб ташлайман,— деб аррани солди.

Шунда хотини уйдан хой-хойлаб чиқиб:

Дарахтни кесманг, бу йил ҳосил бермаган бўлса, янаги йил беради, — деб илтижо қилди.

— Ҳосил бермаган дарахт кимга керак, кесиб ташлайман, — деб болтасини кўтарди боғбон.

Хотини зорланди, келиб болта билан аррани эрининг қўлидан олиб беркитиб қўйди.

Аёл айтганидек, келаси йил олма кўп ҳосил берди. Шунда хотини эрига дашном бериб.

— Мен сизга айтмабмидим, ана кўрдингизми, олмангиз шовулдек қилди, — деди.

— Эй, хотинжон, ўзим умид билан эккан дарахтимни нега кесар эканман, шунчаки унга дўқ-пўписа қилиб қўрқитган эдим, — деди.

Боғбоннинг хотини турган жойида ҳайрон бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Бўка туманига қарашли «Бобур» савдо уйи ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади
Телефон : 257/36-392

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0241. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 20.30. 1 2 3 4 5